



Manzil: 220100, Urganch,
Tinchlik ko'chasi, 22

Tel:(0-362)226-01-72
Fax: (0-362) 226-01-61

220100, г.Ургенч,
ул.Тинчлик, дом 22

Биринчи инстанция судида ажрим
чиқарган судья – Б.Хайитбоев

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья – Ш.Джамолов

Қ А Р О Р

Шовот тумани

_____ -сонли иш

Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати Б.Полванов раислигида, хайъат аъзолари М.Бобоназаров ва Ш.Джамоловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Якубовнинг котиблигида, _____ туманлараро иқтисодий судининг _____ -сонли иқтисодий иши доирасида _____ га нисбатан _____

_____ томонидан

берилган апелляция шикоятини тарафлардан даъвогар _____

иштирокида, _____

_____ бинода, очик сайёр суд мажлисида иш хужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

_____ (бундан буён матнда – _____ деб юритилади) _____

_____ (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади) манфаатида, _____ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ ги _____ (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади)дан _____ пулини ундиришни сўраган.

_____ туманлараро иқтисодий суднинг _____ билан даъво аризаси иш юритувга қабул қилинган. Шунингдек, даъвогар биринчи инстанция судига даъвони таъминлаш чорасини кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг ҳисоб рақамига _____ учун тақик қўйишни сўраган.

_____ туманлараро иқтисодий судининг _____ билан даъвони таъминлаш ҳақидаги аризани қанотлантириш рад қилинган.

Мазкур ажримдан норози бўлган даъвогар апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, ажримни бекор қилишни ва даъвони таъминлаш чорасини кўриб, _____ сўм учун жавобгарнинг ҳисоб рақамига тақик қўйишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари тушунтириш бериб, апелляция шикоятини қўллаб-қувватлаб, ажримни бекор қилиб, даъвони таъминлаш чорасини кўриш ҳақида қарор чиқаришни сўрадилар.



Суд мажлисининг жойи ва вақти тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар вакил иштирокини таъминламади ва апелляция шикоятни юзасидан ўзининг муносабатини билдирмади.

_____ ни тақдим қилиб, апелляция шикоятини ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Бу ҳолда судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК деб юритилади) 274-моддасининг тўртинчи қисмига асосан, ишни уларнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топади.

Судлов ҳайъати, тарафлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, апелляция шикоятида баён этилган важларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиб, ажримни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

ИПК 93-моддасининг иккинчи қисмига кўра, даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

ИПКнинг 94-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари, агар уларни қўлламаслик суднинг ҳал қилув қарорини бажаришга қийинчилик туғдириши мумкин бўлса ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, иш бўйича иш юритишнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин.

Инобатга олиш лозимки, ИПК 94-моддасининг биринчи қисми ҳисобварағига банд солиш каби даъвони таъминлаш чорасини назарда тутмайди. Шунинг учун ишда иштирок этувчи шахснинг жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларига банд солиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда ҳисобга олиш керакки, кредит муассасасидаги ҳисобварақлари эмас, балки даъвода кўрсатилган сумма доирасида ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағлари хатланади.

Бу ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 18-бандида тушунтириш берилган.

Даъвогар даъвони таъминлаш чораси сифатида жавобгарнинг ҳисоб рақамига _____ учун тақиқ қўйишни сўраган, аммо ИПКнинг 94-моддаси, биринчи қисми ҳисобварағига тақиқ қўйиш каби даъвони таъминлаш чорасини назарда тутмайди.

Қолаверса, даъвогар ўзининг аризасида даъвони таъминлаш чорасини кўриш заруриятини ва суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатларни кўрсатмаган.

Ваҳоланки, даъвони таъминлаш чораларини кўришнинг зарурий шarti, шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкинлиги ҳисобланади.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди даъвони таъминлашни рад қилиш ҳақида тўғри ҳулосага келган.

ИПКнинг 281-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ, биринчи инстанция судининг қарори, ажрими устидан ушбу Кодексида белгиланган қоидалар бўйича берилган апелляция шикояти (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриш



учун назарда тутилган тартибда апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарори, ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

- 1) қарорни, ажримни ўзгаришсиз қолдиришга;
- 2) қарорни, ажримни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга;
- 3) даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Ушбу кодекс 279-моддасида суд ҳужжати ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, суд ҳужжати бекор қилиш ёки ўзгартириш учун Кодекснинг ушбу моддасида кўрсатилган асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати апелляция шикоятини каноатлантиришни рад этиб, ажримни ўзгаришсиз қолдиришни, ушбу тоифадаги суд ҳужжатлари устидан шикоят берилганда давлат божи ундирилмаслигини инобатга олиб давлат божини ундирувсиз қолдиришни, даъвогар томонидан апелляция шикояти беришда олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати эса ўзининг зиммасида қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 274, 276-278, 280, 281-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л а д и :

_____ туманлараро иқтисодий судининг _____ сонли иқтисодий иши доирасида _____ да қабул қилинган ажрими ўзгаришсиз, _____

_____ каноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Почта харажатлари даъвогар томонидан олдиндан тўланганлиги инобатга олиниб, ўзининг зиммасида қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарорга нисбатан у қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация шикояти (протест) берилиши мумкин.

Раислик этувчи

Б.Полванов

ҳайъат аъзолари

М.Бобоназаров

Ш.Джамолов

